

Зафарлар завқи

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Ўзбекистон футбол федерацияси томонидан 2018 йил 1 февралдаги 87-02-243-сонли хатига асосан, 2018 йилнинг 10 март куни Тошкент шаҳар бўйича 20та Олий таълим муассасалари ўртасида футбол бўйича Ўзбекистон футбол федерацияси Кубоги мусобақасининг қуръа ташлаш маросими бўлиб ўтди.

Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтининг “Ирригатор” терма жамоаси **28 март куни** Тошкент давлат иқтисодиёт университети терма жамоасини 2:0 ҳисобда мағлуб этиб, кейинги босқич йўлланмасини қўлга киритди.

2 апрель куни “Ирригатор” терма жамоаси Ўзбекистон Миллий университети жамоасини 3:0 ҳисобида ғалабага эришди ва ярим финал йўлланмасини қўлга киритди.

4 апрель куни ярим финал босқичида “Ирригатор” терма жамоаси Ислон Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети терма жамоаси билан финал босқичи учун майдонга чиқди. Ўйин жуда қизиқарли бўлди. Ўйиннинг асосий вақтида терма жамоалар 1:1 ҳисобда ғолиб аниқланмади. Ғолиб жамоасини пеналтилар сериясида аниқланди ва “Ирригатор” терма жамоаси 3:1 ҳисобида ғалаба қозониб финал босқичига йўлланмани қўлга киритди.

7 апрель куни “Ирригатор” терма жамоаси Тошкент шаҳар финал босқичида Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетига қарши майдонга чиқишади. “Ирригатор” терма жамоасига омад тилаб қоламиз.



“Жисмоний маданият ва спорт” кафедраси мудири М. Норқобилов ахбороти

Институт матбуот котиби Раҳимбой Жуманиёзов